



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ-ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТ СИФАТИДА

Шарофутдинова Раънохон

Аннотация: ижодий ва мустақил фикрлаш ўртасидаги фарқнинг муҳимлиги шундаки, ижодий фикрлаш мустақил фикрлашдир, ammo ҳар қандай фаол фикрлаш ҳам мустақил фикрлаш ҳам ўз навбатида ижодий фикрлаш бўла олмайди.

Калит сўз: креативлик, фалсафа, мантиқ илми, математика, психология

Мамлакатимизда ўқувчи ёшлар ва уларга давлат ҳамда жамиятнинг муносабати тўғрисида Президентимиз томонидан қуйидаги фикрлар билдирилган: “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”. Дарҳақиқат, бугунги шиддат билан ривожланаётган давр ҳар биримиздан ҳар бир жараён, воқеа, ҳодисаларга ижодий ёндашиши, мантиқий фикрлаш, ўзининг муносабатини билдириш ҳамда тез суръатларда қарор қабул қилишни талаб этмоқда. Бундай вазиятда эса албатта ҳар бир шахс ўзининг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятига таянган ҳолда иш кўриши табиий ҳол. Шундай экан, аниқ ва теран фикрга эга бўлиш, жамиятдаги воқеликка креатив ёндашиш каби хусусиятлар инсон камолотининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Бугунги кунда “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган”, деб таъкидлаб ўтиши ҳам бежиз эмас. Зеро, Республика ижтимоий иқтисодий ва маданий тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш, ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан янги ютуқларга эришишни таъминловчи омилдир. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг “Боланинг жисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий даври – бу бошланғич синф давридир”, деган фикрларида фарзандларимизни келажакка тайёрлаш, уларга алоҳида эътибор қаратиш, илғор ва замонавий таълим-тарбия бериш усуллари татбиқ этиш, педагогларнинг билим даражасини янада ошириш



хамда шу каби бошқа кўплаб долзарб масалалар бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Шунга кўра мустақил фикрга, интеллектуал жиҳатдан ривожланган ўз дунёқарашига эга бўлган бошланғич синф ўқувчиларини ижодий фаолиятга йўналтириб ўқитиш, ижодий фаолиятга тайёрлаш уларни ижодий қобилиятларини рўёбга чиқариш ҳар доимгидек педагогик долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Айниқса, дунё тараққиёти шиддати, унда кечаётган жараёнлар барча соҳалар каби таълим-тарбия жараёнига ҳам янгича ёндашув, инновацияларни тадбиқ этишни тақозо этмоқда. Аввало, бу ўқув дастурлари, дарсликлар, методикаларни янада такомиллаштириш, ўқитувчи-педагоглар тавсиясини мунтазам ошириб бориш, жараёнга инновацион ва илғор ахборот ҳамда таълим технологияларини жорий этиш билан боғлиқ муаммоларда кўринмоқда.

Олимларимиздан Ф.Р.Юзликаев ва М.Нажмиддиноваларнинг “Чет тилини ўқитишда талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш” методик қўлланмасида И.П.Никитинанинг фикрини кетириб, “санъат фалсафаси”да тўғридан тўғри “креативлик” тушунчаси қўлланилмайди, бироқ “инсон мунтазам равишда ўзининг шахсий “чегараси”дан четга чиқишга ҳаракат қилади: ўзининг имкониятлари, ҳаёти ва ўз дунёсидан”.

Н.В.Кузьминанинг фикрича, ижодий ва мустақил фикрлаш ўртасидаги фарқнинг муҳимлиги шундаки, ижодий фикрлаш мустақил фикрлашдир, аммо ҳар қандай фаол фикрлаш ҳам мустақил фикрлаш ҳам ўз навбатида ижодий фикрлаш бўла олмайди. Ўқувчининг ижодий фикрлашининг муҳим қисмларидан бири – бу интуиция (фаҳм)дир. Интуиция тушунчаси турли фанларда қўлланилади: фалсафа, мантиқ илми, математика, психология фанлари мазкур тушунчага турлича маъно киритишмоқда.

Бугунги кунда ёш авлодга таълим-тарбия беришда ўқувчилар онгига миллий ғоянинг асосий йўналишларини сингдириш бадий таълим воситаларидан, усулларидан самарали фойдаланиш, ўқувчиларнинг маънавий-сиёсий дунёқарашларини шакллантириш билан бирга, уларда ижодий қобилиятларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Б.М.Теплов қобилиятлар–шахснинг алоҳида руҳий хусусияти бўлиб, қандайдир фаолиятни муваффақиятли бажаришга, инсон томонидан аввал ишлаб чиқилган ва бирор натижага олиб келмайдиган билимлар, маҳорат ва кўникмага алоқадор бўлган хусусиятдир, деб ёзади.

С.Л.Рубинштейн қобилиятлар шахсдаги умумлашган руҳий фаолиятлар тизимига бириктирилган, қобилиятларнинг кўникмалардан фарқи ҳаракатлар усулларини мустаҳкамлаш натижаси эмас, балки ҳаракатлар орқали бошқариладиган фаолиятларнинг руҳий жараёнларидир, деб ҳисоблайди.



В.С.Кузин эса қобилиятлар ҳақида қуйидагича фикр юритади: қобилиятлар деганда, аниқ бир фаолият турини юқори даражада бажаришга хизмат қиладиган шахс сифатлари ва хусусиятлари тушунилади .

Сўнгги йилларда мамлакатда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, боғча тарбияланувчилари, бошланғич синф ўқувчилари ва талаба ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, ижодий фаолиятга тайёрлаш ва йўналтириб ўқитиш, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, миллий таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати уни замон талаблари асосида модернизация қилиш, бошланғич синф ўқувчиларини юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда .

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий мажлисга мурожаатида мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юктамалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарур эканлигини таъкидлаган эди. Бундан ташқари, 2018 йилнинг 14-август куни «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинган бўлиб, унда умумий ўрта таълимнинг амалдаги таянч ўқув режасини қайта кўриб чиқиб, 10 фоизга қисқартириш вазифаси белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги қарори билан тасдиқланган “Халқаро баҳолаш дастурлари бўйича халқаро тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасининг иштирок этишига тайёргарлик кўриш бўйича Йўл харитаси”нинг 12-бандида “2019 йил декабрь ойдан бошлаб, илғор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётлари мазмунига босқичма-босқич ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш” вазифаси белгиланган.

Шунингдек, PISA (The Programme for International Student Assessment) халқаро баҳолаш дастурида бошланғич синф ўқувчиларнинг саводхонлик даражаларини аниқлашда компьютер симуляцияли интерфаол топшириқлардан кенг фойдаланилади ва барча синовлар компьютер техникаси ёрдамида амалга оширилади.

Бошланғич мактаб - ўрта ёки умумий таълим даражаси, унда ўқувчига энг зарур ва ҳаётида керакли бўлган билимлар берилади, шунингдек, ҳар бир маълумотга иштиёқ, муҳаббат ва ҳурматни руҳий, ахлоқий, ижодий



фаолиятларни шакллантириш, шунингдек, мантиқий фикрлаш қобилиятини тарбиялайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТ:

37. Oljayevna, O., & Shavkatovna, S. (2020). The Development of Logical Thinking of Primary School Students in Mathematics. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(2), 235-239.
38. Uljaevna, U. F., & Shavkatovna, S. R. (2021). Development and education of preschool children. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*, 11(2), 326-329.
39. Shavkatovna, S. R. N. (2021). Methodical Support Of Development Of Creative Activity Of Primary School Students. *Conferencea*, 74-76.
40. Shavkatovna, S. R. (2021). Developing Critical Thinking In Primary School Students. *Conferencea*, 97-102.
41. Shavkatovna, S. R. (2021). Methodological Support for The Development of Primary School Students' Creative Activities. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 2, 121-123.
42. Ra'noxon, S. (2022). BOSHLANG'ICH MAKTAB O'QUVCHILARIDA MATEMATIKAGA MUNOSABAT. *IJTIMOY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMYIY JURNALI*, 2(11), 203-207.
43. Shavkatovna, S. R. (2021). Improvement of methodological pedagogical skills of developing creative activity of primary school students. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 289-292.
44. Шарофутдинова, Р., & Абдуллаева, С. (2022). ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МЕНТАЛ АРИФМЕТИКА. *IJTIMOY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMYIY JURNALI*, 2(11), 235-239.
45. Maxamadaliyevna, Y. D., Oljayevna, O. F., Qizi, T. D. T., Shavkatovna, S. R. N., & Anvarovna, A. O. (2020). Pedagogical Features Of Mental Development Of Preschool Children. *Solid State Technology*, 63(6), 14221-14225.
46. Shavkatovna, S. R., & Gulbahor, R. (2021). THE IMPORTANCE OF MENTAL ARITHMETIC IN MENTAL DEVELOPMENT IN CHILDREN. *Conferencea*, 68-70.
47. Maxamadaliyevna, Y. D. O „ljayevna, ORF (2020). Tursunova Dilnavoz To „lqin qizi, Sharofutdinova Ra“ noxon Shavkatovna, Ashurova Oygul Anvarovna. Pedagogical features of mental development of preschool children. *Solid State Technology*, 63(6).
48. Mahpuza, A., Rahmatjonzoda, A., & Zilola, X. (2022). ATTITUDE TO MATHEMATICS IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(11), 208-212.
49. Mirzaxolmatovna, X. Z., Nematovna, R. S., & Shavkatovna, S. R. (2022). FORMS OF THINKING IN THE PROCESS OF STUDYING MATHEMATICS. *European*



International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(12), 259-263.

50. Maxamadaliyevna, Y. D., & O'ljayevna, O. R. F. (2020). Tursunova Dilnavoz To 'lqin qizi, Sharofutdinova Ra'noxon Shavkatovna, Ashurova Oygul Anvarovna. Pedagogical features of mental development of preschool children. *Solid State Technology*, 63(6).

51. Ra'noxon, S., Mahpuza, A., & Rahmatjonzoda, A. (2022). THEORETICAL FOUNDATIONS FOR THE DEVELOPMENT OF LOGICAL THINKING WITH THE HELP OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(11), 881-885.

52. Mahpuza, A., & Rahmatjonzoda, A. (2022). THE USE OF MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN MATHEMATICS LESSONS IN ELEMENTARY SCHOOL. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(11), 213-217.

53. Shavkatovna, S. R. N. (2022). THE ROLE OF FOREIGN EXPERIENCES IN THE DEVELOPMENT OF CREATIVE ACTIVITY IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 10, 128-133.

54. Шарофутдинова, Р. Ш. (2022). БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛИ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2(3), 149-158.

55. Shavkatovna, S. R. (2023). DEVELOPMENT OF CREATIVE ACTIVITY OF ELEMENTARY SCHOOL STUDENTS AS A SOCIO-PEDAGOGICAL NECESSITY. *Open Access Repository*, 4(03), 51-59.

56. Aminova, F., Ahlimirzayev, A., & Sharofiddinova, R. (2023). USING THE PRINCIPLE OF INTERDISCIPLINARY RELATIONSHIP IN STUDYING DIFFERENTIAL EQUATIONS IN SPECIALIZED SCHOOLS AND ACADEMIC LYCEUMS.

57. Iqboljon, S. (2022). Boshlang'ich Sinf O'quv Jarayonida Axborot Texnologiyalaridan Foydalanish. *Ijodkor O'qituvchi*, 2(20), 137-140.

58. Iqboljon, S. (2022). KOMPYUTER YORDAMIDA DARSLARNI TASHKIL ETISH. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(9), 246-249.

59. Sharofutdinov, I. (2023). DEVELOPMENT OF ACMEOLOGICAL COMPETENCE OF FUTURE EDUCATORS IN THE CONDITIONS OF INFORMING EDUCATION. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 3(5), 424-429.

60. Sharofutdinov, I. (2023). THE ACTUAL STATUS OF THE METHODOLOGY OF DEVELOPING ACMEOLOGICAL COMPETENCE OF FUTURE EDUCATORS IN THE CONDITIONS OF INFORMING EDUCATION. *Академические исследования в современной науке*, 2(12), 206-213.

61. Sharofutdinov, I. (2023). BO 'LAJAK PEDAGOGLARNING AKMEOLOGIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH METODIKASINING AMALIYOTDA QOLLASH.



Педагогика и психология в современном мире: теоретические и практические исследования, 2(7), 54-58.

62. Sharofutdinov, I. (2023). PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK FANLARNING BO 'LAJAK PEDAGOGLARNING AKMEOLOGIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDAGI O 'RNI. *Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования*, 2(6), 17-24.

63. Sharofutdinov, I. (2023). TA'LIMNI AXBOROTLASHTIRISH SHAROITIDA BO 'LAJAK PEDAGOGLARNING AKMEOLOGIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH MEKANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISHNING PEDAGOGIK TIZIMI. *Инновационные исследования в современном мире: теория и практика*, 2(14), 13-19.

64. Sharofutdinov, I. (2023). TA'LIMNI AXBOROTLASHTIRISH SHAROITIDA BO 'LAJAK PEDAGOGLARNING AKMEOLOGIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH MODELI. *Наука и технология в современном мире*, 2(13), 77-84.

65. Sharofutdinov, I. (2023). STRUCTURE AND COMPONENTS OF THE DEVELOPMENT OF ACMEOLOGICAL COMPETENCE OF FUTURE EDUCATORS IN THE CONDITIONS OF EDUCATION INFORMATION. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 3(4), 574-580.

66. Sharofutdinov, I. (2023). FORMS OF SELF-DEVELOPMENT IN FUTURE PEDAGOGUES BASED ON THE ACMEOLOGICAL APPROACH IN THE PROCESS OF INFORMATIZATION OF EDUCATION. *Science and innovation*, 2(B3), 5-8.

67. Usmonjon o'g'li, S. I. (2022). TA'LIM TIZIMIDA RAQAMLI TEXNALOGIYA. *INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION*, 1(12), 120-128.

68. Vasiljonov, A. (2022). Basic theoretical principles of corpus linguistics. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 3(2), 1-3.

69. Vasiljonov, A. (2022). LINGVISTIK TADQIQOTLARDA KORPUS O 'RGANISH OBYEKTI SIFATIDA. *IJTIMOYIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMYIY JURNALI*, 2(11), 176-182.

70. Vasiljonov, A. (2022). PRAGMALINGVISTIKA VA UNING TAHLILYIY SHAKLLANISH TARIXI. *Science and innovation*, 1(B8), 99-105.

71. Vasiljonov, A. (2022). PRAGMALINGUISTICS AND THE HISTORY OF ITS ANALYTICAL DEVELOPMENT. *Science and Innovation*, 1(8), 99-105.

72. Vasiljonov, A., & Isaqova, X. (2023). EFFECTIVENESS OF MOTHER TONGUE EDUCATION IN THE PRIMARY GRADES. *International journal of advanced research in education, technology and management*, 2(2).